O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 19 октябрь, № 217 (3492) Сешанба

ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17-18 октябрь кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, "Марказий Осиё ҳамкорлиги" (МОҲ) ташкилотига аъзо Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов иштирок этган мазкур саммит МОҲ ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганини, фаолияти янгича мазмун билан бойий бошлаганини кўрсатди. МОҲ сафи янада кенгайди — Россия Федерацияси унга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирди. Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "Россиянинг МОҲга аъзо бўлиши табиий ва қонуний жараёндир". Негаки, "Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан Россия манфаатдор".

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасида 2002 йил 28 февралда имзоланган "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан, Россия Федерациясининг қўшилишига оид қарор қабул қилинди.

Ислом Каримов минтақамизда Россия ўз манфаатларига эга эканини алоҳида таъкидлади. Бинобарин, Россиянинг қўшилиши МОҲнинг салоҳият ва имкониятларини янада оширади, фаолиятини янги мазмун билан бойитади.

Маълумки, ташкилот аъзолари анча вақтдан буён Марказий Осиё минтақасида сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт консорциумларига оид концепцияларни муҳокама этиб келади. Душанбе саммитида минтақа мамлакатлари мазкур соҳаларда бир-бири билан узвий боғлангани таъкидланди. Ягона консорциумларнинг тузилиши муайян соҳаларда энг камхарж, энг қулай савдо-сотиқни йўлга қўйиш имконини беради. Энергетика таъминотидаги узилишлар ва транспорт қатновидаги англашилмовчиликларнинг олди олинади.

Иқтисодиётга оид жиноятларга қарши курашда ҳам консорциумларнинг аҳамияти катта бўлишига шубҳа йўқ. Зеро, ноқонуний савдога ўрин қолмайди, божхона қоидаларининг бузилишига йўл қўйилмайди. Яна бир аҳамиятли томони шуки, бундай консорциумларни ташкил этишда Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро молия муассасалари ҳам қатнашиш истагини билдирмоқда. Президентлар консорциумлар тузиш концепцияларини атрофлича муҳокама қилиб, аъзо мамлакатлар ҳукуматларига бир ойда тегишли битимлар лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасини топширишга келишиб олдилар.

Мазкур уч консорциум Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусининг мантиқий самарасидир. Саммит қатнашчилари умумий бозорни шакллантириш концепцияси лойиҳасини тасдиқладилар.

Президентлар иқтисодий соҳадаги алоқалар юзасидан фикр алмашар экан, ишбилармон доиралар вакилларининг анжуманларида эришилган натижаларни ҳаётга кенгроқ татбиқ этишга доир масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Ишбилармонларнинг бевосита мулоқотларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириб бориш зарурлиги қайд этилди.

Президент Ислом Каримов шу йилнинг сентябрида Остонада ўтган МДҲ саммитида террорчилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг раҳбарларининг рўйхатини тузиш, шу тариқа ҳар бир аъзо мамлакатда бундай ташкилотларни тақиқлаш ташаббусини илгари сурган ва бу ташаббус Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланган эди. Душанбе саммитида бу масала яна бир бор кўриб чиқилди. Жумладан, Президент В.Путин Россия Ўзбекистоннинг бу борадаги дадил қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини алоҳида таъкидлади.

Бу таклифнинг долзарблигини эътиборга олиб, Душанбе саммитида ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматларга террорчилик ҳамда экстремистик ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларининг рўйхатини тузиш топширилди. Президентлар МДҲнинг бошқа аъзоларини ҳам шундай йўл тутишга даъват этдилар.

Террорчиликнинг усуллари тобора мураккаблашмоқда, бу иллат наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва уюшган жиноятчилик билан чамбарчас боғлиқ. Дунёда юз бераётган воқеалар хавфсизликни таъминлаш масаласи ғоят жиддий тус олаётганини ва бу муаммони фақат ҳамкорликда ҳаракат қилиш билан бартараф этиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Музокаралар чоғида президентлар бу борада яқдил эканлигини таъкидладилар. Марказий Осиёда барқарорлик ва тинчликнинг мустаҳкам таъминланиши муайян даражада Афғонистондаги вазиятга ҳам боғлиқ. "Афғонистонда тинчлик ўрнатилмас экан, Марказий Осиёда хотиржамлик бўлмайди, — деди Ислом Каримов. — Афғонистон минтақамизнинг нафақат географик, маданий-тарихий, балки геостратегик жиҳатдан ҳам муҳим бўлагидир. Бу боис ушбу мамлакатнинг ташкилотимизга аъзо бўлиш учун интилаётгани мантиқан тўғридир".

Шу жиҳатдан қараганда Давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган тартибдаги мажлисида Афғонистон вице-президенти Ҳидоят Амин Арсало кузатувчи сифатида иштирок этгани муҳим аҳамиятга молик. МОҲга аъзо давлатлар раҳбарлари Афғонистонни тиклаш ишларида яқиндан ҳамкорлик қилиш ва фаолликни ошириш ҳақида фикрлашдилар. Бунда расмий Кобул вакилининг бевосита қатнашиши ҳар томонлама фойдали бўлди.

Музокаралар якунида МОҲ ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Матбуот анжуманида президентлар кўрилган барча масалалар юзасидан фикрлар бир жойдан чиққанини, музокаралар очиқлик ва самимий руҳда ўтганини таъкидладилар. МОҲ долзарб ва мураккаб муаммоларни ечаётганлиги, бу эса унинг нуфузли минтақавий ҳамкорлик ташкилотига айланганидан далолат эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов билан учрашди. Суҳбат икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалаларига бағишланди. Президентлар МОҲ фаолиятини такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Россия Президенти Владимир Путин билан музокара ўтказди. Мулоқот чоғида турли соҳалардаги Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ислом Каримов ва Владимир Путин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар икки ва кўп томонлама асосда изчил ривожланаётганидан мамнуният билдирдилар. Суҳбат чоғида МОҲ доирасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш ва умумминтақавий муносабатларни янада фаоллаштиришда Ўзбекистон-Россия ҳамкорлиги муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Душанбе — Тошкент.

СУРАТДА: саммитдан лавҳа.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Авваламбор сиз, азиз Бухоро аҳлини бугунги қўлга киритган улкан ғалабангиз — давлатга пахта топшириш шартнома режасини мамлакатимизда биринчилар қаторида бажарганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ҳаётнинг мураккаб синов ва қийинчиликларида тобланган, тадбиркор ва омилкор Бухоро вилояти деҳқонларининг фидокорона меҳнати билан бунёд этилган 360 минг тонналик катта пахта хирмони юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида қўшилган салмоқли ҳисса бўлди, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бу меҳнат зафарига осонликча эришилмагани, унинг замирида Бухоронинг оғир иқлим ва табиий шароитида ҳар қарич ер, ҳар томчи сувни қадрлайдиган, пахтачиликнинг сир-асрорини, ишнинг негизини пухта биладиган, ҳосил тақдирини ўйлаб кечани-кеча, кундузни-кундуз демай тер тўкадиган минг-минглаб заҳматкаш деҳқонларнинг, мутасадди ходимлар ва мутахассисларнинг фидокорона меҳнати мужассам эканини барчамиз яхши англаймиз.

Қишлоқ хўжалик соҳасида ислоҳотларни изчил амалга ошириш, Бухоро деҳқончилик мактабига хос бўлган қадимий ва бой анъаналардан, замонавий фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланиш ҳисобидан кўплаб ширкат ва фермер хўжаликлари етиштирилган пахта хомашёсини юқори сифат билан топшириб, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги учун мустаҳкам пойдевор яратгани таҳсинга лойиқ.

Айниқса, шу замин, шу тупроққа мос, серҳосил навларнинг яратилгани, одамларда ерга эгалик туйғуси қучайиб бораётгани, далада ишлаётган барча одамларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантиришнинг янги усуллари жорий этилаётгани бу ғалабани таъминлашда муҳим омил бўлгани шубҳасиз.

Ишончим комилки, Бухоронинг юкини ўз елкасида кўтариб, унинг қадимий шуҳратини янада юксалтириб келаётган вилоят меҳнаткашлари халқ хўжалигининг бошқа соҳалари бўйича ҳам зиммага олган мажбуриятларни адо этиб, йилни ёруғ юз билан якунлайди.

Сизларни улкан меҳнат ғалабангиз билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо омон бўлинг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

«Пахта — 2004»

ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТИ БАЖАРИЛДИ

БУХОРО. (ЎзА мухбири Илҳом САФАР).

Вилоят деҳқонлари қабул масканларига 360 минг тоннадан зиёд пахта топшириб, шартнома мажбуриятини адо этди.

Бу улкан хирмонга, айниқса, Вобкент, Когон, Ромитан, Бухоро, Пешку ва Олот туманлари пахтакорлари муносиб ҳисса қўшди. Айни пайтда вилоят бўйича 75 ширкат, 3150 фермер хўжалиги шартномага қўшимча хомашё топширмоқда.

Бухорода пахтачиликдаги кўрсаткичлар йил сайин ўсиб бораётир. Жумладан, 2003 йили вилоятда 80 фоизга яқин пахта биринчи навга сотилган бўлса, бу йилги ҳосилнинг ҳаммаси юқори навга топширилди.

Вилоят далаларида ҳали ҳосил чўғи баланд, пахта йиғим-терими давом этмоқда.

«Олтин тола»да ҳосил қайта ишланмоқда

Вилоят деҳқонлари етиштирган пахта ҳосили бугунги кунда қайта ишлаш корхоналарида толага айлантирилмоқда. Жумладан, Когон туманидаги «Олтин тола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси бу борада пешқадамлик қилаётир. Сифатли тола хорижий мамлакатларга экспортга чиқарилмоқда.

СУРАТДА: жамиятнинг илғор созловчиси Рустам Эргашев.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЎРГАНИШ ИНСТИТУТИ

Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари томонидан Олий Мажлис ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга тайёргарлик ва ўтказишни ёритиш бўйича энг яхши материаллар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов мақсади: мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси сайлов кампаниясига холисона ёндашиш, сайловолди жараёнларини тезкор ёритишда ОАВ фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, турли қатламдаги гуруҳларнинг сиёсий фаоллигини ошириш каби масалалар бўйича тажрибаларни оммалаштириш ва тушунтириш.

Иштирокчилар доираси: *мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, журналистлар.*

Материалларни топшириш шартлари: 2004 йил 1 январдан 2005 йил 15 январгача чиққан, чекланмаган ҳолда муаллифлик материаллари тақдим этилади. Матбуот нашрларида чоп этилган материалларнинг сони, чиққан вақти ва таҳририят номи кўрсатилган бўлиши керак. Радио ва тележурналистлар тайёрлаган чиқишларнинг эфирга узатилган вақти ва қаерда эълон қилингани кўрсатилган ҳолда ўз аудио ва видео маҳсулотларини кассеталарда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтига тақдим этадилар.

Ариза ва материалларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2005 йил 17 январь.

Танлов ҳайъати: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов Комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳалари ходимлари, таниқли журналистлар («Парламент журналистикаси клуби»да очиқ овоз бериш йўли билан танлаб олинади).

Танлов натижаларини эълон қилиш: 2005 йил 31 январь.

Асосий ютуқлар: *1-ўринга компьютер, 2-ўринга телевизор, 3-ўринга аудиомагнитафон. Ҳомийлар томонидан рағбатлантирувчи ютуқлар ҳам назарда тутилган.*

Сессиядан кейинги ўйлар

ДАВР РУҲИ

уни сезмаслик вилоят иқтисодиётини танг аҳволга солди, шон-шуҳратини сўндирди

Бугун кўҳна Фарғона замини да ўтаётган анжуманларда, тўй-тўйчиқларда, ўзаро суҳбатларда одамлар асосан бир мавзуга — куни кеча халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов сўзлаган нутқига ўз муносабатини билдиришяпти, кўтарилган долзарб масалаларни, айниқса, йўл қўйилган камчиликларни муҳокама қилишяпти. Ҳамманинг фикри яқдил: мазкур маъруза вилоятнинг XXI аср дастлабки йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига энг одилона, адолатли, таҳлилий баҳо берганлиги билан кишиларнинг эътиборига тушди.

— Мен сессияда иштирок этиб, Юртбошимизнинг пахта уруғчилиги ҳақида айтган сўзларини жон қулоғим билан эшитдим, — дейди Олтиариқ туманидаги «Нуробод» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Лолахон Муротова. — У киши қишлоқ хўжалигига оид қайси йиғилиш бўлсин, деҳқончиликни деҳқоннинг ўзига қўйиб беринг, навни ҳам, экин муддатини ҳам ўзи танласин, дейдилар. Бизнинг вилоят раҳбарлари эса гўё бу гапни эшитмагандек. Ўтган йили биз деҳқонларимиз билан кенгашиб, «С-2609» пахта навини экиш ҳақида келишиб олдик. Вилоят ва туман мутасаддилари эса ҳатто бизнинг фикримиз билан қизиқиб ҳам қўйишмади. Аксинча, «С-6524» навини экасизлар, деб кўрсатма беришди. Бу бизнинг Олтиариқ шароитига тўғри келмайди, деган гапларимизга қулоқ солишни ҳам исташмади. Ахир, бу нав вилоятда 20-25 йил аввал экилган. Уни эккан деҳқонларнинг кўпчилиги нафақага чиқиб кетди. Бу нав эса яшаяпти. Ахир, уруғ ҳам чарчайди, эскиради. Наҳотки, буни юқоридан кўрсатма берадиган раҳбарлар тушунмасалар? Юртбошимиз жуда тўғри таъкидлаганидек, «Фарғона заминига мос келадиган, унинг иқлими ва табиий шароити талабларига жавоб берадиган, касалликларга чидамли пахта нави ҳалибери жорий этилмаган».

(Давоми 2-бетда).

Фикр

Россия оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар муносиб вакилларни олий давлат органларига сайлайдиган Ўзбекистон халқининг мамлакат Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқига алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўлишади. Чунончи, навбатдаги сайлов мавсумининг бошланишини диққат билан кузатар эканмиз, барча даражадаги иштирокчиларнинг Ўзбекистон халқига хос бўлган одобини, андишасини зўр қониқиш билан таъкидлагим келади. Ҳар қандай ғаразли ниятларни истисно этувчи, номзодларнинг бир-бирларини таҳқирлашга йўл қўймайдиган бундай қадрият, менинг назаримда, Ўзбекистон халқи менталитети, дунёқарашининг бир қисмидир. Бу эса кишида самимий ҳурмат туйғусини уйғотади. Зеро, одоб ва андиша билан ўтказилган сайловлар ҳамиша мағзава ағдарилган тадбирларга нисбатан холис ва адолатлидир.

Сайлов ва қадрият

Албатта, депутатликка барча номзодларга марказлашган йўл билан ва тенг миқдорда маблағ ажратишни қонун тақозо этади, лекин сайловчиларни сотиб олишга уринувчи ҳаракатлар тартибли сайловда истисно қилинади.

Ўзбекистонда кўпчилик матбуот, орқали, хусусан, «Труд» газетаси саҳифаларидан Россияда сайловлар қандай ўтаётганлигидан хабардордир. Кўп ҳолларда фуқароларнинг хоҳиш-иродасини белгилашда номзодларнинг режа ва далиллари, дастурлари эмас, балки номзоднинг ишчанлик ва ахлоқий хусусиятларига соя ташловчи молиявий имкониятлар ҳал қилувчи аҳамият касб этиб қолиши, ҳеч кимга сир эмас. Албатта, бундай йўл тутиш қонунга зид, халқнинг энг яхши вакилларини ҳокимият органларига кўтариш ғирромлик билан қилинмаслиги керак. Шу боисдан ҳам Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путин Давлат думасига губернаторликка номзодларни жойлардаги қонунчилик йиғилишларига давлат раҳбарининг ўзи кўрсатиши имконини берадиган янги қонун лойиҳасини таклиф этди. Амалда бугун Россия Федерацияси Ўзбекистон бутун мустақиллик йилларида мунтазам қўллаб келаётган моделни ўзига қабул қилди.

Шундай савол туғилади: нега Россия оммавий ахборот воситалари у ёки бу сайлов кампаниясида ҳукумат таркибига киришга уринадиган серпул одамларга йўл очади ва оддий сайловчиларни бундан огоҳ этмайди? Агар Россия матбуоти радикал-демократик кўринишдан радикал- консервативгача хилма-хиллигини эътиборга олсак, бундай савол қўйиш жудаям ўринлидир. Ҳаммаси тўғри, лекин биз ҳали тилга олган молиявий омилни эътибордан соқит қилиш мумкин эмас. Матбуотни, ҳатто энг нуфузлисини ҳам сотиб олиш мумкин. Бинобарин, мақсадга эришиш учун турфа хил усуллар мавжуд — нашрни тўла сотиб олиш ёхуд журналистларни раҳбарлари билан бирга оғдириш — ҳаммасининг тамойили ягона. Россияда бундай ҳолат, афсуски, оддий ҳолга айланди, аслида бундай йўл тутиш касб одобига зиддир. Тўғри, ҳокимият учун курашувчи ҳар қандай даъвогар ўз сайлов штаби, журналистлар ҳам аъзо бўлган командасига эга бўлиши керак. Лекин, менинг назаримда, мазкур ҳолларда ахлоқий чегарани босиб ўтиш ярамайди. Бу ўринда, журналистлар касб шарафларини қадрлашлари ва сайловчилар олдида юзлари ёруғ бўлишлари муҳимдир.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ҳолати Россиядагидан мутлақо бошқачадир. Менга маълум бўлишича, бир қанча халқаро ташкилотлар Ўзбекистон матбуоти фақат амалдаги Президент сиёсатини юритади, дея танқид қилишни кўзлайдилар.

Эҳтимол, Ўзбекистондаги газеталарда радио-телевидениеда ҳақиқатда ҳам, кўрсатув ҳамда чиқишларда муаммоларни ўткир ва кенг ифодалаш етишмаётгандир, лекин мамлакат журналистлари, Яратганга шукр, ҳозирча демократияни бузиб кўрсатиш йўлидан боришмаяпти.

Шу кунларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнига кенгроқ қўшилмоқдалар, бу фаолият ҳар қандай сайлов кампаниясининг узвий қисмидир. Энг муҳими, менинг фикримча, ҳар қандай ҳамкасбимиз, аввало, ўз виждони олдида ва уни тинглаётган, ўқиётган ёки кўраётган мухлиси олдида ҳалол бўлишидир. Газетхон ёки тингловчига у ёки бу номзоднинг фазилати ёхуд камчилигини ўзи билганча тиқиштириш ярамайди, негаки, ҳар ким ўз иродасига, ишончига таяниб қарор қабул қилади. Воқеага баҳо бериш эмас, балки одамларни хабардор қилиш муҳим — аввало, менинг назаримда, асосий вазифа шундадир. Ўзбекистон журналистларига хос бўлган одобни сақлаш керак, деб ўйлайман. Айнан шундай муносабат сайловчиларни тўғри мақсадларга йўналтиради. Бу ҳақда ҳамиша ёдда тутиш керак, зеро, ҳокимиятга халқнинг энг муносиб вакиллари келишига асосий омил шудир. Жамият учун депутатнинг дахлсизлик ҳуқуқларидан шахсий мақсадда фойдаланишга уринадиган кишилар эмас, балки халқ қайғуси билан, унинг орзу-ўйлари ва муаммолари билан яшайдиган вакиллар зарур.

Ўзбекистон ўз демократик йўлидан бормоқда. Балки у айрим қолипларга мос келмас, баъзиларнинг кўнглига ўтирмас, лекин халқнинг азалий қадриятларига таянган демократия мустаҳкам заминга эга. Икки палатали парламентга бошланган сайлов кампаниясининг жараёнига баҳо берадиган бўлсак, мазкур тадбирлар халқнинг чин маънода эркин ва мустақил хоҳиш-иродасини ифода этажагини комил ишонч билан қайд этиш лозим.

Мен декабрь ойининг охирида бўлажак сайловлар яхши ўтишини, депутатликка номзодларнинг соғлом баҳс юритишини, юртингиз матбуоти эса бу ишда холис ва адолатли бўлишини чин юракдан истайман.

В. БИРЮКОВ,
«Труд» газетасининг Ўрта Осиё давлатларидаги ваколатхонаси мудири.

Шўрчининг бақувват корхонаси

Маҳаллий аҳоли орасида «ОЦМ» деб юритиладиган корхона — аслида вилоят марказий механика устахонаси. Бу ерда асосан 13 та пахта заводи ва 45 та пахта қабул пунктининг кучлантирувчи моторлари таъмирланади. Шунингдек, эҳтиёт қисмлар, пахта тойларини бойлаш учун симлар тайёрланади. Корхонадаги 53 нафар кишининг 40 нафари бевосита ишлаб чиқариш билан машғул. Жамоа аҳли эришаётган ютуқлар салмоғи ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 655 миллион сўмга яқин маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилиб, белгиланган режа 116,2 фоиз бажарилди.

СУРАТДА: марказий механика устахонаси ишчилари Шуҳрат Мусурмонқулов, Эргаш Норбоев ва Файзулло Рўзиев электр моторни таъмирламоқдалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ахборот марказида Ўзбекистон Республикасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ташаббуси билан "Марказий Осиёда трансчегара муаммолари ва экологик хавфсизлик" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Фарғона, Тошкент шаҳри ва вилояти нодавлат нотижорат ташкилотлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ихтисослаштирилган таҳлилий назорат давлат инспекцияси, Марказий Осиё минтақавий экология маркази, Барқарор ривожланиш бўйича Давлатлараро комиссиянинг илмий-тадқиқот маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси, Давлат геология қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ КЎЗЛАБ

Суҳбат давомида трансчегара экология муаммолари Марказий Осиё ҳудудида чиқиндиларни қайта ишлаш лойиҳасининг жамоатчилик асосидаги экология экспертизаси ва жамоатчиликни ташвишга солаётган экологияга оид бошқа масалалар муҳокама этилди.

Хусусан, тадбирда Қирғизистонда тўпланган радиоактив чиқиндилар бутун минтақа учун катта хавф туғдираётгани, Қирғизистон томонидан Фарғона водийсида жойлашган омборхоналар хавфсизлигига етарлича эътибор бермаётгани, бу эса кучли ер силкиниши пайтида атроф-муҳитга радиоактив чиқиндилар тушиш хавфини туғдириши мумкинлиги таъкидланди.

Айниқса, Қирғизистоннинг Германия ва Буюк Британиядан келтириладиган радиоактив чиқиндиларни Қораболта кон-руда комбинатида қайта ишлашни ташкил этиш ва уларни Қирғизистон ҳудудида сақлаш борасидаги режаси ҳақидаги ахборот учрашув иштирокчиларини жиддий ташвишга солди.

Ушбу ҳолат бутун Марказий Осиё минтақасида юзага келтириши мумкин бўлган салбий оқибатлар муҳокама қилинди.

Давра суҳбати иштирокчилари Қораболта конруда комбинатида радиоактив чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнини хавфсиз ҳисоблаб бўлмаслигини, арзимаган даромад деб бутун минтақа хавф остида қолаётганлигини таъкидладилар. Ядровий энергетикага эга Европа мамлакатларининг кўпчилиги бундай чиқиндиларни ўзларида қайта ишлашга йўл қўймайди. Чунки бу мамлакат ва келажак авлод учун хавф туғдириши мумкинлигини яхши билади. "Яшиллар" деб номланувчи табиатни муҳофаза этувчиларнинг норозилиги ҳам бунга асосий сабаблардан бири ҳисобланади. Шу боис айрим мамлакатлар бундай хавфли чиқиндиларни йўқотиш учун қолоқ давлат ва минтақаларга жўнатишга ҳаракат қилади.

Бундай чиқиндиларнинг Қирғизистонга келтирилиши минтақамизни Европа мамлакатларининг радиоактив чиқиндилари ахлатхонасига айлантириши мумкин. Буни Қирғизистондаги экология билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлари ҳам таъкидламоқда.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган уран-графит энергетика реакторларининг радиоактив чиқиндилари ўта хавфли ҳисобланади. Чунки уларнинг радиоактивлиги юқори бўлиб, кўмишда алоҳида технологияларга риоя қилишни талаб этади. Қирғизистонда бу чиқиндиларни кўмишда барча халқаро талабларга тўлиқ амал қилинишига ҳеч қандай кафолат йўқ. Боз устига Қораболта комбинатида уран чиқиндиларини кўмишга тайёрлашнинг самарали технологияси бор-йўқлиги ҳам номаълум. Агар бу чиқиндилар Мойлисувдаги омборхоналарга кўмиладиган бўлса, бу нафақат Қирғизистон, балки бутун Марказий Осиёдаги экологик вазиятни янада мураккаблаштиради.

Бундан ташқари, 50 миллиондан ортиқ киши яшайдиган Ўрта Осиёда радиация даражаси шундоқ ҳам юқори. Минтақага радиоактив чиқиндиларнинг олиб келиниши радиация даражасининг янада ортишига, ҳаво, сув ресурслари ва тупроқнинг ифлосланишига олиб келиши, аҳоли ва келажак авлод учун фавқулодда хавфли вазиятни юзага келтириши мумкинлиги қайд этилди.

Учрашув якунига кўра резолюция қабул қилинди. Унда жамоат ташкилотлари, халқаро институтлар, Марказий Осиё мамлакатлари давлат тузилмалари ва жаҳон ҳамжамиятини бундай лойиҳаларни амалга оширишга йўл қўймасликка, минтақада экологик хавфсизликка таҳдидлар, жумладан саноат чиқиндилари, аввало, радиоактив чиқиндиларни ташиш, қайта ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ хавфга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга даъват этилган.

(ЎзА).

Халқаро алоқалар кенгаймоқда

Анжуман

Республикамиз олий ўқув юртлари жамоаларининг хорижлик ҳамкасблари билан алоқалари йил сайин ривожланмоқда. Бу алоқалар республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юқори поғонага кўтаришда фан-техника тараққиётига ёрдам берадиган муаммоларни ечиш, долзарб илмий тадқиқотларни амалга ошириш, илмий-педагогик технологияларни жорий этиш, етук мутахассис кадрларни тайёрлаш, дастурлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр қилишда намоён бўлмоқда.

Яқинда Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида «Индикатив режалаштириш» мавзусига бағишлаб ўтказилган уч кунлик халқаро семинарга Малайзия Иқтисодий тадқиқот институти директори, доктор Муҳаммад Арифф, бин Абдул Карим бошчилигидаги иқтисодчи олимлар ташриф буюрди.

Уч кун давом этган халқаро семинар дастури юзасидан ўнлаб маърузалар ва ахборотлар тингланди ва муҳокама қилинди. Айниқса, Малайзия Иқтисодий тадқиқотлар институти директори, доктор Муҳаммад Арифф, докторлар Кунчамбу Говиндан, Аҳмад Хасир Махподзнинг маърузалари қизғин баҳс-мунозара, фикр алмашувлар асосида кечганлиги билан анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Суннатулла РИЗАЕВ.

«Пахта-2004»

Пахтачиликлар зафари

Пахтачи тумани пахтакорлари Самарқанд вилоятида иккинчи бўлиб ғалаба манзилига етиб келишди. Улар 30 минг тоннадан ортиқ хирмон уйиб, гектар ҳосилига ҳосилдорликни 27 центнерга етказишди. Эришилган ютуққа Азиз Оллоёров номли, Қурбон Ражабов номли, Тош Кенжаев номли, Рўзиқул Маҳманов номли, «Оқтепа», «Наврўз», «Зиёвуддин» ширкат хўжаликлари ва юзлаб фермерлар муносиб ҳисса қўшишди.

Марра эгалланган бўлса-да, туман далаларида ҳосил мўл. Шу боис йиғим-терим ишлари бўшаштирилмаяпти.

А. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Чиноз тумани маррага етди

Чиноз тумани пахтакорлари Тошкент вилоятида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини уддаладилар. Мавжуд 7500 гектар майдондан 20 000 тоннадан зиёд «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Эришилган ютуққа "Эшонобод", "Дўстлик", Алишер Навоий номли, Амир Темур номли ширкат хўжалиги пахтакорлари, айниқса, муносиб ҳисса қўшдилар.

— Теримчилар билан ҳар беш кунда ҳисоб-китоб қилиниши иш сифати ва унумига ижобий таъсир этди— дейди «Яллама» ширкат хўжалиги бош пудратчиси Абдурахим Тўлабоев. — Шу боис мўлжалдагидан кўп ҳосил саранжомланди.

Усмон АЗИЗОВ.

ДАВР РУҲИ

уни сезмаслик вилоят иқтисодиётини танг аҳволга солди, шон-шуҳратини сўндирди

Жамият ҳаётида муҳим сиёсий жараён ҳисобланган сайловлар арафасида сайловга оид қонунларга жамоатчиликнинг талаби анча ортади. Шуни инобатга олиб, Марказий сайлов комиссияси сайлов тўғрисидаги қонунларни чоп эттиришда бош-қош бўлмоқда.

Ҳаммага керак тўплам

Хабарингиз бўлса, иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг XV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинган эди. Шунингдек, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунга эса ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганди. Куни кеча ушбу қонунлар ўзгаришлар билан тўлдирилган ҳолда «Ўзбекистон» нашриётида босмадан чиқди. Мазкур тўпламда юқорида тилга олинган қонунлардан ташқари «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳам берилган.

Ўз мухбиримиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кейинги йилларда, вилоят иқтисодиётининг негизини ташкил этадиган қишлоқ хўжалиги энг оқсоқ тармоқлардан бирига айланди. Ахир, нафақат Марказий Осиёга, балки Каспийорти мамлакатларига ҳам пахтачилик сир-асрорларидан дарс берган, деҳқончилик маданиятини ўргатган фарғоналик пахтакорлар, селекциячи олимлар эмасмиди? Янги асрнинг ўтган 4 йили мобайнида пахтачилик соҳасидаги кўрсаткичлар муттасил ортга кетди. Айрим туманлар, кўплаб хўжаликларда 10-15 центнер атрофида ҳосил олиш одат тусига кириб қолди. Бу туманлар, хўжаликларнинг раҳбарлари бош кўтариб юришни эп кўриш у ёкда турсин, энг замонавий автомашиналарда савлат тўкиб юриш, ҳашаматли маросимлар ўтказишни ўзларига ифтихор деб билишларига нима дейсиз?

Бундай аҳвол бир-иккита хўжаликда рўй берганида чидаш ҳам мумкин эди. Ачинарлиси, бу ярамас иллат вилоятнинг барча туманлари ва хўжаликларида одатий ҳолга айланди. Фикримизни биргина Ўзбекистон туманининг сўнгги йиллардаги аҳволи таҳлили ҳам яққол исботлайди. У — вилоятнинг ўртамиёна туманларидан бири. Бундан беш йил аввал туман хўжаликларида 18365 тонна пахта етказиб бериш юзасидан шартномавий режа белгиланган бўлса, беш йил ичида ғўза майдонлари 625 гектарга кўпайса-да, ялпи хирмон атиги 19 минг тоннага етди. Чунки ҳосилдорлик йилдан-йилга камайиб борди.

Балки сиз бу кўрсаткичлар туманнинг иқтисодий аҳволига унча таъсир этмагандир, деб ўйларсиз? Йўқ, асло. Сўнгги тўрт йил ичида туман хўжаликларида шартнома режасига нисбатан 18824 тонна пахта етказиб берилмади. Бундан хабардор бўлган киши «Бутун туман аҳли бир йил умуман деҳқончилик қилмапти-да, яна ҳоким, хўжалик раҳбарлари кўкрак кериб юришибди» деган фикрга бориши табиийдир.

Юртбошимиз мазкур сессиядан аввал ҳам раҳбарнинг фаолиятига баҳо беришда, биринчи навбатда, режанинг бажарилиши, пахта ёки ғалла топшириш кўрсаткичлари эмас, балки жойларда бугунги амалга оширилаётган ишлардан, ислоҳотлардан одамлар розими, уларда эртанги кунга ишонч туйғуси қандай, деган саволлар мезон бўлади, деган фикрларни муттасил таъкидлаб келадилар. Бир қарашда чоп-чоп, югур-югур кўп, лекин натижадан дарак йўқ. Халқ манфаатини кўзлаб, эл-юрт учун қайишган инсонлар саъй-ҳаракати изсиз кетмайди. Президентимиз таъкидлаганларидек, яхшилик кўрган одам ҳеч қачон яхшиликни унутмайди. Бу сўзлар ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олиши лозим. Ана ўшанда эл олдидаги ишонч оқланади, мурод ҳосил бўлади.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Эл корига яраганлар

Маҳалладан битта яхши одам чиқса унинг шарофати, ибратидан ҳамма баҳра олади. Андижон шаҳридаги Ёрбоши маҳалласи фаолларидан бири, ўн олти ўғил-қизни тарбиялаган, Фозилжон ҳожи Сиддиқовнинг таъкидлашича, инсоннинг қўли қанча очиқ бўлса ишиям шунчалик ривож топади, юраги пок одамга омад эшиклари ҳамиша очилади. Агар раҳбарнинг қўли тоза бўлса ўша жамоага қут-барака фаришталари қўнади. Пойтуғ шаҳарчасининг шундоқ биқинида яшовчи ака-ука Мамажоновларнинг ўз маблағларидан тикланган ажойиб спорт мажмуасини, Андижон туманидаги мулкдор Ҳабибулла ҳожи Маҳсумовнинг олтинкўллик, андижонлик болажонларга атаб қурган мактаб биноларини, баликчилик Акромжон ота Мирзаевнинг ҳаж сафарига бориш учун тўплаган пулини Баликчи билан Олтинкўл туманлари қишлоқларини бир-бирига боғлайдиган осма кўприкни бунёд этиш учун сарфланганини кўриб Фозилжон ҳожи отанинг сўзлари нақадар ҳақлигига имон келтирдим.

Тўғри-да, ўзини шу юрт фидойиси, деб билган киши Ватаним Истиқлолга эришгунга қадар ким эдиму ҳозир қай даражага етдим, мол-дунём етарли бўлатуриб халқимнинг корига ярай билдимми, ўзимдан яхши ном қолдира оляпманми, дея ўзига ўзи савол беради. Эзгулик олижаноблик, савобга йўғрилган ишларини сарҳисоб қилади.

Шаҳрихонлик фермер Мишариф Жўраевни яхши биламан. Кўнгли очиқ, ҳиммати баланд одам. Ҳамқишлоқларининг болалари 10-15 чақирим наридаги мактабга қатнаётганини, кўп вақтлари йўлда ўтаётгани боис улар дарсларга улгуролмаётганини биларди. Ҳалол меҳнати билан қишлоқнинг боорў кишисига айланган Мишариф ака унча-мунча жамғариб қўйган пулига мактаб биноси қуришга ахд қилди. Бунёд этилган биноси маҳалла чиройини очиб юборди. Кимсасиз ётган ерлар болакайларнинг шовқинига тўлди, файзли бўлди.

— Мактабга сарфлаган пулингизга чорва моллари сотиб олсангиз ёки енгил машина харид қилиб, ижарага берсангиз озмунча фойда кўрармидингиз, — дегувчилар ҳам топилди. Шундай пайтларда Мишариф аканинг кўнглидан «Қурбим етибдики, қурибман. Бу болаларнинг бўйлари ҳадемай бўйимиз билан тенглашиб қолади. Қўлимиздан ишимизни олади, оғиримизни енгил қилади, ҳамма ҳавас қиладиган бўлади. Шу юртга, шу Ватанга муносиб кишилар бўлиб улғайганларини кўрсам эди», деган ўйлар ўтади. Эртанги кунга катта умид билан қараган инсондагина бўлади бундай туйғулар.

Яқинда Улуғнор туманида бўлганимизда одамлар суҳбат асносида дунёнинг ишлари қизиқ экан, бир хил одамлар боғ-роғлар яратар, йўл қуриб, эл дуосини олар экан. Айрим кишилар эса бориниям бузиб, хонавайрон қилар экан, деб қолишди. Маълум бўлишича «Юлдузча» болалар боғчаси танлов савдосига кўра, «Улуғнор» ширкат хўжалигида истиқомат қиладиган Гўёхон Ўриновага бепул берилган. У Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси билан жорий йилнинг 24 январида тузилган 6-сонли шартномага биноан 6 миллион сўмлик инвестиция киритиш ва 5 йилга қадар муассасанинг фаолият турини ўзгартирмаган ҳолда иш юритиш мажбуриятини олган. Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида боғча биноси томини таъмирлаш ва атрофини ўраш учун 1 миллион 296 минг сўм, иккинчи ярмида ёрдамчи биноларни таъмирлаш ҳамда сув ҳавзасини қуриш, айвон ва қозонхонани таъмирдан чиқариш-га 1 миллион 80 минг сўмлик маблағ йўналтириш зарур эди. Амалда нима бўлди?

Янги замон одами

Эллик нафар кичкинтойга мўлжалланган бино 14 йил илгари лойиҳа асосида қурилган эди. Унинг умумий қиймати беш миллион сўмдан зиёдни ташкил этади. Мулк эгаси шартнома мажбуриятларига сўзсиз амал қилиш, маҳалладошлари, юқори ташкилотлар ишончини оқлаш ўрнига ҳеч кимнинг розилигисиз бинони бузиб юборди. Том плитасидан 32 донасини ҳужжатсиз Асака шаҳридаги тадбиркорлар олиб кетди. 230 кв. метрдан иборат паркет пол кўчириб ташлади. Боғчанинг 12 метр узунликдаги ғиштли деворининг тақдири ҳам шундай якун топди. Туман халқ таълими бўлими мудири, «Оқ том» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва бошқаларнинг ўзбилармон тадбиркорнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан ташвишланиб турли юқори идораларга ёзган хатлари негадир натижасиз қолиб кетди. Шундай қилиб бинойидай ишлаб турган боғча вайронага айланди.

Энди иккинчи манзарага эътибор қаратайлик. Шу туманда Муроджон Тожибоев деган ажойиб йигит бор. «Олтин чаноқ» фермер хўжалигига раҳбарлик қиладди. Муроджон ўз умрини деҳқончиликка бағишлаб «Дўстлик» ширкат хўжалигининг қумликларда жойлашган ариқ-зовурларини тозалади. Сизот сув йўлларининг кўзи очилди. Ўн минг тупдан ортиқ иҳота дарахти кўчати ўтқазди. Шундан кейингина 168 гектарга чигит қадади. 40 гектарда ғалла етиштирди.

Вужудидан ғайрат-шижоат ёғилиб турган Муроджон билан бир пиёла чой устида дилдан суҳбатлашдик. У тўлиб-тошиб шундай деди:

— Президентимиз биз, мулкдорлар ҳақида биласизми, нима деганлар? «Андижон элида эгалик, мулкдорлик ҳисси, менинг кичкина бўлса-да, ўз очган ишим бор, орттирган мулким, бойлигим бор ва албатта, ўзимники, ундан нафақат оилам, фарзандларим, балки бутун элу юрт наф кўради, деган қараш мустаҳкамланиб бормоқда». Шу гапларни ҳар гал эслаганимда руҳим енгил тортади. Кучимга куч қўшилади. Атрофимдагиларга маъқул тушадиган ишларга қўл уришни орзу қиламан. Бу ерга келганимдан кейин бундоқ қарасам болалар даламадала юриб қишлоқ марказидаги мактабга боришаркан. Боғчанинг бўлса пойдеворигина қолган экан. Ҳаловатим бузилди. Юрсам ҳам, турсам ҳам мактаб ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдим. Кейин оқсоқоллар билан маслаҳатлашдим. Катта-кичикнинг розилигини олдим. Мана, ҳозир бино битди.

Муроджон тиклаган мактаб биноси узоқдан ярақлаб кўринади. Силлиқ ёғочлардан ясалган қўш қанотли деразаларнинг ойналарида куз қуёшининг ажиб нурлари эркаланади. Эшиклари бежирим. Пол ўрнига тўшалган линолеум хоналарга ярашган. Кенг, чароғон синф хоналари кўнгилларга ёруғлик солади.

Муроджон Тожибоев миллион-миллион сўмлаб маблағ сарфлаб, обрў олиш ёки бўлмаса қандайдир манфаат кўриш учун қурмади бу бинони. Аксинча Юртбошимиз даъватларига амалий жавоб бериш, одамларнинг, хусусан болажонларнинг мушкулини осон қилиш учун шу ишга қўл урди. Яна йигирма миллион сўм ажратиб, спорт майдончаси бунёд этмоқда. Синф хоналари ҳамда лабораторияларга энг замонавий ўқув жиҳозлари олиб келиб, ўрнатмоқчи.

Ака-ука Мамажоновлар, Ҳабибулло ҳожи Махсумов, Мишариф ака Жўраев, Муроджон Тожибоевга ўхшаш ўнлаб, юзлаб юртдошларимизнинг ҳимматига тасаннолар айтгингиз келади. Улар нафақат кўприк қуриб кўркам биноларни тикламоқда, балки, озод, тинч юртда яшаётганликларига, шукрона айтиб, ўзидан, рўзғоридан ортиқча маблағини савобга йўғрилган ишларга йўналтириб, бошқаларга ибрат ҳам бўлмоқдалар. Одамлар қалбига эзгулик уруғини сочмоқдалар. Табиийки, улар ҳадемай меҳр-мурувват ниҳолларига айланади ва ўзининг тотли меваларини беради. Улардан эса барча-барча баҳраманд бўлади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сиёсий ўзгаришлар сари

Ж.Хопкинс университети (АҚШ) қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институтининг "Central Asia-Caucasus Analyst" веб-сайти институт етакчи эксперти Офтоб Қозининг Ўзбекистондаги парламент сайловларига бағишланган мақоласини эълон қилди.

"Ўзбекистонда шу йил охирида бўлиб ўтадиган сайловлар натижасида мавжуд Олий Мажлис ўрнида икки палатали парламент тизими яратилади, — деб ёзади эксперт. — Ўзбекистон ривожланиш стратегиясини босқичма-босқич амалга оширмоқда. Адолатли ва ошкора сайловларни таъминлаш йўлида қўйилаётган қадамлар давлатчилик барпо этишдаги муҳим босқичдир.

Ўзбекистондаги 26 декабрь сайловлари демократик эволюциянинг муҳим сиёсий жараёнларини институционализациялашга қаратилган. Ўзбекистон халқи биринчи марта икки палатали қонунчилик органини сайлаш ҳуқуқига эга бўлади. Парламент ислоҳоти, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Аҳоли сайловларга фаол тарзда жалб этилаётгани ва сайлов тизимининг такомиллаштирилгани Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатдаги сиёсий ислоҳотларга берилаётган халқаро баҳога нисбатан жиддий муносабатда бўлаётганидан далолат беради.

Аҳолини икки палатали парламент моҳияти ва вазифалари, унинг мамлакат ҳаёти ва демократик ўзгаришлар жараёнидаги ўрни ҳақидаги ахборот билан таништириш бўйича уч ойлик (сентябрь-ноябрь) миллий сиёсий кампания муҳим аҳамият касб этаяпти. Ушбу тадбирлар доирасида кўплаб маҳаллий ва чет эллик олимлар, экспертлар жамоатчиликка амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг аҳамиятини тушунтириш ишларига жалб қилинган. Тарғибот кампанияси, шунингдек, аҳолининг мамлакатдаги сиёсий жараёнлардан етарлича хабардор эмаслиги юзасидан вужудга келиши мумкин бўлган халқаро безовталикни тарқатиб юборишга йўналтирилган. Ўзбекистон ҳукумати парламент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга ишонч билан қараяпти ҳамда яхши натижаларни кутаяпти.

Иқтисодиётни ривожлантириш зарурати шароитида ва минтақада диний экстремизм тўлқинлари кучайган бир вазиятда Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар жараёни ўзини оқламоқда. Миллий сайловларнинг муваффақиятли ўтказилиши эса мамлакатдаги сиёсий ўзгаришлар жараёнига салмоқли ҳисса қўшади", деб якунлайди мақоласини Офтоб Қози.

"Жаҳон" АА.

Осмонўпар бинода ёнғин

Венесуэла пойтахти Каракасда мамлакатдаги энг баланд бинода ёнғин юзага келган. Ёнғин асосан хусусий фирмаларнинг офиси ва Фуқаро авиацияси вазирлиги жойлашган 56 қаватли мазкур бинонинг 34-қаватида бошланган. Бинонинг 26 қавати ёниб бўлган ва олов томгача етиб келган. Фақат бахтли тасодиф туфайлигина, ҳеч кимга шикаст етмади. Мутахассисларнинг фикрича, осмонўпар бинонинг қулаш хавфи йўқ. Ҳозиргача ёнғинга қарши кураш ходимларидан 25 нафари ис газидан заҳарланган. Венесуэла Президенти Уго Чавес телевидение орқали чиқишида воқеа сабабларини қаттиқ текширувдан ўтказишга ва айбдорларни жазолашга ваъда берди.

Хавфли парвоз

Таиланднинг «Orient Thai» («Ориент Тай») авиакомпаниясига қарашли Boeing747-200 йўловчи самолёти Токиодаги телеминорага урилиб кетишига бир баҳя қолди, деб ёзади «Mainichi Shimbun» («Маиничи Шимбун») газетаси. Газета журналистларининг хабар беришича, Япония пойтахтининг Ханеда аэропортига йўналган самолёт ўз йўлидан чиқиб кетган ва 333 метрлик Токио минорасига урилиб кетай деган. Самолёт минорадан атиги 200 метр узоқликдаги масофада учиб ўтган.

Буш яна олдинда

USA Today газетаси, CNN телекомпанияси ва Gallup («Галлеп») компанияси томонидан биргаликда ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига кўра, АҚШнинг амалдаги президенти Жорж Буш ўзининг асосий рақиби бўлмиш Жон Керридан 8 фоизга ўзиб кетган. Сўровда қатнашганларнинг 52 фоизи Бушни, 44 фоизи эса Керрини қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирган. Шу тариқа, демократ Жон Керри бир ҳафта олдин ўтказилган сўровда қайд этилган ўзининг бир фоизлик устунлигини йўқотди.

Гумондор шахс ҳибсда

Миср Ички ишлар вазирлигида Таба шаҳридаги Hilton меҳмонхонасида юз берган йирик терроррчилик хуружи юзасидан текширувлар мобайнида хорижий фуқаро ҳибсга олинганлиги ҳақидаги маълумот тасдиқланди.

Расмийлардан бирининг ABC-News телекомпанияси мухбирига айтишича, «Тезкор қидирув ишлари давомида бир хорижлик шахс ушланган ва номаълум муддатгача қамоққа олинган. У Европа мамлакатларидан бирининг фуқаросидир. Нувейба шаҳридаги меҳмонхоналардан биридаги унинг номига қайд этилган хонада бир неча килограмм «ТНТ» кўринишидаги портловчи модда топилган. Бу модда Hilton меҳмонхонасидаги қўпорувчиликда ишлатилган моддага ўхшаб кетади».

Референдум натижалари эълон қилинди

17 октябрь куни Белоруссияда бўлиб ўтган референдум натижалари мамлакатнинг айни пайтдаги президенти Александр Лукашенкога навбатдаги сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини берди. Белоруссия Марказий сайлов комиссияси раиси Лидия Ермошина берган маълумотларга кўра, референдумда рўйхатга олинганларнинг 89,7 фоизи қатнашган ва уларнинг 86,2 фоизи референдумда қўйилган саволга «Ҳа» деб жавоб берган. Натижаларга асосан, Белоруссия Асосий қонунига ўзгартириш киритилади. Энди бир шахс икки мартадан ортиқ президент бўлиши мумкин. Комиссия раисининг айтишича, референдумда жиддий қонунбузарликлар бўлмаган.

Бағдодга яна 750 аскар

Times газетаси берган маълумотларга қараганда, Ироқдаги ҳарбий операцияларга Буюк Британиянинг яна 750 нафар аскарини жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Улар Америка Қўшма Штатлари қўшинлари билан биргаликда Бағдоднинг жанубий қисмларига жойлаштирилади. Газетанинг ёзишича, британ қўшинларининг бир қисмини Ал-Искандария ва Латифия шаҳарларига жойлаштириш режалаштирилмоқда.

ЯНГИЛАНАЁТГАН НАТО

(Давоми. Боши 14 октябрь сонида)

Ўрта Ер денгизи мамлакатлари мулоқоти

Брюсселдаги учрашув ва семинарлар чоғида Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан мулоқот дастури ҳақида ҳам кўп гапирилди. НАТОга аъзо аксарият давлатларнинг чегараси бевосита шу денгизга туташ. Шунинг учун ҳам Ўрта Ер денгизида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш алянснинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. 1995 йилда НАТО денгизнинг жанубий ҳудудида жойлашган мамлакатлар — Миср, Исроил, Тунис, Иордания, Мавритания билан янги мулоқотга киришди. 2000 йилнинг февралида бу дастурга Жазоир ҳам қўшилди.

Мулоқот дастурига, сиёсий учрашувлардан ташқари, бевосита амалий машғулотлар ўтказиш ҳам киради. Сиёсий мулоқотлар элчилар даражасида олиб борилади. Бу мулоқотлар Ўрта ер денгизида тинчликни сақлаш бўйича кенг қамровли масалаларни ҳал этиш имконини бермоқда. Амалий ҳамкорлик йиллик ишчи дастурлари доирасида ташкил этилмоқда. Унга биноан Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан мулоқот дастурига аъзо давлатлар аскарлари НАТОнинг Обераммергаудаги (Германия) мактаби ва Римдаги Мудофаа коллежида ўқув курсларини ўташади. Бу ерда аскарларга қуроллар устидан назорат ўрнатиш, оммавий қирғин қуролларини кенг тарқалишига қарши кураш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда ҳолатларда ҳарбийлар ва фуқаролар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш каби билимлар ўргатилади.

Бизга айтишларича, НАТОга қарашли ҳарбий кемалар дастур доирасида кечаю кундуз денгизда кўриқчиликни амалга оширишади. Улар Ўрта Ер денгизининг Шимолий Атлантика блокига аъзо мамлакатлар ҳудудига кирган ҳар қандай кемани назоратдан ўтказиш ҳуқуқига эга. Денгизнинг нейтрал сув ҳавзаларидаги кемаларни текшириш учун эса ўша кемалар сардорларидан рухсат сўралади. Бу, аввало, денгиздаги ҳар хил қароқчи кемалар фаолиятига чек қўяди. Иккинчидан, Европага Осиё ва Африка мамлакатларидан денгиз орқали турли гиёҳванд моддалар, кириб келишининг олдини олади. Энг асосийси, минтақа тинчлигини таъминлайди.

Бир овоздан маъқуллаш

НАТО қароргоҳидаги учрашувларда ўзбекистонлик тўрт журналист ва тўрт олим иштирок этди. Суҳбатлар қизғин мунозаралар билан ўтди. Шимолий Атлантика блоки давлатлараро ташкилот. Бу ерда ҳар қандай қарор консенсус (бир овоздан маъқуллаш) орқали қабул қилинади. Бир зобит шу ҳақда гапирганда биз эътироз билдирдик. НАТОга ким кўп маблағ сарфлаётган бўлса, ўша давлатнинг таклифи ўтади, масалан АҚШ билдирган ташаббусга Исландия ёки яқинда алянсга аъзо бўлган мамлакатлар ҳеч қандай эътироз билдира олмайди, дедик. Зобит ўз сўзида собит турди. Ва гапини қуйидагича исботлади: Ироқда урушга муносабат масаласини олиб кўринглар. АҚШ урушга НАТОни жалб этмоқчи бўлди. Уни Испания, Буюк Британия каби давлатлар қўллаб-қувватлади. Аммо Франция ва Германия бу қарорга қарши чиқди. Натижаси ўзларингизга маълум. НАТО кучлари Ироқдаги дастлабки ҳарбий операцияларда иштирок этмади.

НАТО доирасидаги маслаҳатлашувларни енгиллаштириш ва тезкорлигини таъминлаш учун алянснинг Брюсселдаги қароргоҳида ҳар бир аъзо мамлакатнинг доимий вакили бор. Бундай маслаҳатлашувлар мунтазам ўтказиб турилади. Уни ҳар қандай аъзо давлатнинг таклаби ёки бош котибнинг ташаббуси билан ўтказиш мумкин.

Зобитларнинг бизга таъкидлашича, кўпинча фикрлар бир жойдан чиқади ва қарорлар яқдил қабул қилинади. Лекин айрим пайтларда баъзи масалалар бўйича тортишувлар ҳам юзага келади. Бундай пайтда иложи борича, келишув йўли ахтарилади. Агар музокараларда келишувга эришилмаса, ҳар бир давлат ўзи қандай хоҳласа шундай иш тутади. Бунга ҳам юқоридаги Ироқ масаласини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. АҚШ бошлиқ бир неча давлат ҳарбий ҳужумни ёқлаб чиқди ва уни амалга оширди. Франция билан Германия ушбу фикрни қўллаб-қувватламади ва натижада ўз ҳарбийларини Ироққа юбормади.

НАТО ҳарбий тузилмаси устидан назоратни Ҳарбий қўмита амалга оширади. У алянснинг олий ҳарбий раҳбар органи ҳисобланади. Ҳарбий қўмита ўз навбатида Шимолий Атлантика кенгашига бўйсунади. Шу ўринда НАТОда Бош котибнинг роли нимадан иборат деган савол туғилиши табиий. Бош котиб НАТОга аъзо мамлакатларнинг бирор масалада маслаҳатлашувга ва қарорлар қабул қилишга имконият яратади, алянс фаолиятига йўналиш беради. У Шимолий Атлантика кенгашига раислик қилади ҳамда қарорлар қабул қилишда муҳим роль ўйнайди. Бош котиб ўзича сиёсий қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон ва Евроатлантика алянси

НАТО қароргоҳидаги учрашувларда Ўзбекистон ва унинг ҳарбий кучлари ҳақида жуда илиқ фикрлар билдирилди. Ҳарбий блок зобитлари мамлакатимиз ҳарбий кучлари бугун минтақа хавфсизлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

Шимолий Атлантика алянси ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар, юқорида таъкидлаганимиздек, 1994 йилда ўрнатилган. 1996 йилнинг 13 ноябрь куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Брюсселга — НАТО қароргоҳига ташриф буюрди. Шундан сўнг икки томонлама муносабатлар яна ҳам ривож топди. Ўзбекистонлик аскарлар бир неча марта Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастури доирасида ўтказилган ҳарбий машқларда иштирок этдилар. Юртимизда ҳам худди шундай машқлар бўлиб ўтди.

НАТО раҳбарияти Ўзбекистон ҳукуматининг терроризмга қарши, жумладан, АФРОнистондаги террорчиларга қарши курашдаги ролини юқори баҳолайди. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда алянс раҳбарлари бир неча марта мамлакатимизга ташриф буюрди. Яқин кунларда НАТО бош котиби Яап Хооп Схефферниг Тошкентга келиши кутилаяпти. Ташриф давомида Шимолий Атлантика блоки ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатларни яна ҳам юқори поғонага чиқаришга оид масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилган.

"Жаҳон" ахборот агентлигининг хабар беришича, яқинда Брюсселда Ўзбекистон билан НАТО ўртасида Шерикликнинг индивидуал ҳаракат режаси (ШИҲР) тақдимот ҳужжати юзасидан икки томонлама маслаҳатлашув кенгаши бўлиб ўтган.

Алянс Евроатлантика шериклик кенгашининг 2002 йилда бўлиб ўтган Париж саммити тавсиялари асосида ҳукуматимиз Ўзбекистон билан НАТО ўртасида Шерикликнинг индивидуал ҳаракат режаси Тақдимот ҳужжатини ишлаб чиқди ва Шимолий Атлантика блокига тақдим этди.

НАТОга аъзо мамлакатлар ушбу ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш бўйича амалга оширилган ишларга ижобий баҳо бердилар. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон томонидан турли соҳаларда амалга оширилиши режалаштирилган келгуси ислоҳот йўналишларини ифода этиши таъкидланади.

Шу ўринда Ўзбекистон ШИҲР доирасида НАТО билан индивидуаллашган ҳамкорликни чуқурлаштиришга тайёргарлигини билдирган Марказий Осиёдаги биринчи давлат эканлигини алоҳида қайд этиш зарур.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" махсус мухбири.
Тошкент — Брюссель — Тошкент.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Абхазия атрофидаги мунозаралар

Президент Владислав Ардзинба Абхазияда бўлиб ўтган сайловлардан сўнг телевидение орқали сўзлаб, мамлакатда вазият издан чиқиши эҳтимоли борлигини маълум қилди. Ўз навбатида Сергей Багапш мазкур чиқишга муносабат билдириб, Ардзинбани мамлакатда фуқаролик урушини келтириб чиқаришга уринишда айблади. Хабарингиз бор, Сергей Багапш жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмаган республика президентлиги сайловида 50 фоиздан кўпроқ овоз йиғиб, ғалаба қозонганди. Марказий сайлов комиссиясининг 15 аъзосидан 11 нафари мазкур ғалабани тасдиқлаб, протоколга имзо чекдилар. Ушбу қарор ўқиб эшиттирилгандан сўнг МСК раиси Сергей Смир дарҳол истеъфога чиқди.

Дастлабки сайлов натижалари маълум қилиниши билан Багапшнинг асосий рақиби, собиқ бош вазир Раул Хаджимба сайлов қоидалари кўпол равишда бузилганлигини маълум қилиб, ўз норозилигини билдирди.

Ҳафта бошида бир неча Россия ахборот агентликлари Абхазия Олий суди берган маълумотга таяниб, сайловнинг қонунийлиги масаласи ҳамон очиқлигича қолаётгани тўғрисида хабар тарқатди.

— Мен президент сифатида давлат мустақиллиги ва конституцион тузумни сақлаб қолишга масъулман, — деди Интерфакс ахборот агентлигига берган интервьюсида Ардзинба. Бундан ташқари, у мамлакатда ривожланиб бораётган воқеалар орқасида қандайдир кучлар борлигига шаъма қилди.

Сергей Багапш сайлов адолатли ўтганлиги, амалдаги ҳукумат ўз ўрнини бўшатиб беришни истамай, турли найранглар ўйлаб топаётганлигини таъкидлади. Унинг фикрича, ҳукумат тизимидаги қарама-қаршилик Абхазияда нохуш вазиятни келтириб чиқариши мумкин. Шу билан биргаликда, у воқеалар ривожини диққат билан кузатиб бораётганини ва Олий суднинг қарорини кутаётганини айтиб ўтди.

Хаджимба мамлакатда қайтадан сайлов ўтказилишини талаб қилса, Багапш сайлов натижалари тан олинишини қатъий талаб қилмоқда.

Ардзинбанинг телевидение орқали чиқишидан сўнг Сухумида кўпминг кишилик митинг бўлиб ўтди. Улар Раул Хаджимбани қўллаб-қувватлашмоқда.

Грузия президенти Михаил Саакашвили расмий Тбилиси Абхазияда бўлиб ўтган сайловни тан олмаслигини маълум қилди. Халқаро ҳамжамият Абхазияни Грузиянинг бир қисми ҳисоблайди. Айни пайтда Грузия ҳукумати Сергей Багапш билан музокаралар ўтказишга тайёр эканлигини билдирди.

— Биз ҳар доим ҳам музокаралар ўтказишга тайёр турганмиз. Айниқса ҳозир. Умид қиламизки, Сергей Багапш олдинги издошлари хатосини такрорламайди, — дея таъкидлади Грузия зиддиятларни тартибга солиш бўйича вазири Георгий Хаиндрава.

Айни пайтда Грузия парламенти раиси Нино Бурджанадзе Абхазиядаги сайловларни ноқонунийлигини таъкидлади. У бунинг учун бир неча асос келтирди. Буларнинг энг асосийси 300 мингдан ортиқ қочоқлар мазкур сайловда қатнаша олмаган.

Ю. БЎРОНОВ.

Санкция бекор қилинди

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари Ливияга нисбатан 1992 йилда қўлланилган санкцияларни бекор қилишни маъқуллади. Италия эса Ливияга қурол-яроғ сотишни тақиқловчи ҳужжатни бекор қилиб, унинг ўрнига ноқонуний иммиграцияни тартибга солишга ёрдам берувчи юқори технологик асбоб-ускуналар етказиб беришни ўз бўйнига олди.

— Ливия ўзининг оммавий қирғин қуролларини яратиш дастуридан воз кечиб, Триполи томонидан уюштирилган террорчилик ҳаракатлари оқибатида жабр кўрганларга товон пули тўлаганидан кейин санкцияларни бекор қилиш керак деган қарорга келдик,— деди Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро. Жек Стро ЕИ бу ҳаракати билан инсон ҳуқуқлари борасидаги таъсир доирасини йўқотиб қўяётганини тан олмади. Бу ерда гап Ливияда ВИЧ инфекциясини тарқатишда айбланиб, ўлимга ҳукм қилинган беш нафар болгариялик ва битта исроиллик тиббиёт ходими ҳақида бормоқда. ЕИ аввал уларни ҳимоя қилиб чиққанди.

1986 йилда Европа ва АҚШ Триполини террорчилик гуруҳларни қўллаб-қувватлашда айблаб, Ливияга нисбатан санкция киритган эди. 1992 йилда эса БМТ ҳам бу давлатга нисбатан санкция жорий этди. АҚШ Қаззофий оммавий қирғин қуроллари дастуридан воз кечгач санкцияларни бекор қилди.

ЕИ вазирлари Люксембургдаги учрашувда галдаги вазифа 1989 йилда Тяньаньминь майдонидаги намойишни шафқатсизларча бостиргани учун Хитойга нисбатан қўлланилган қурол сотишни тақиқловчи санкцияни бекор қилиш эканлигини таъкидлашди.

Хуршид РАУПОВ.

Паҳлавон қовоқ

Шу кунларда Канадада Миннатдорчилик куни байрам қилинмоқда. Бу тадбир бизнинг ҳосил байрамимизга ўхшаб кетади.

Урф-одатга кўра ўша куни барча канадаликлар ўз оиласида дастурхон атрофига йиғилиб курка гўшти, қовоқ ёки олмадан тайёрланган пирог тановул қилишади. Оттавалик Алан Итон оиласи ҳам бу анъанани бузмади. Улар дастурхонга 665 килограммлик қовоқ келтиришди. Бу АҚШда етиштирилган ва Гиннес рекордлар китобига кирган қовоқдан 27 килограмм оғирдир.

Қуёш нури ҳисобига

Германиянинг Эспенхайм шаҳарчасида дунёдаги энг катта қуёш нури ёрдамида ишловчи электростанция ишга туширилди. Унда кунига ишлаб чиқариладиган 5 мегават электр энергияси билан 1,8 мингта уйни ёритиш мумкин. 16 гектар майдонни эгаллаган ушбу иншоотга 33,5 мингта қуёш батареялари ўрнатилган.

Германияда ҳозир қуёш энергияси ёрдамида ишлаётган минглаб корхоналар бор. ГФР бу соҳада Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетди ва дунёда Японiядан сўнг иккинчи ўринда турибди.

У. ДОЛИЕВА тайёрлади.

"Пахта Банк" замонавий сўм пластик карточкаларидан фойдаланинг !

1. "Пахта Банк" сўм пластик карточкаси — бу сизнинг ҳамёнингиздир. Республикамизнинг исталган манзилига шу биргина пластик карточка билан бориб келиш имкониятингиз мавжуд.
2. "Пахта Банк" сўм пластик карточка эгалари учун карточкадаги қолдиқ суммага ҳар ойда 2,5 фоиз устама, ойма-ой капитализация ҳисобига эса йиллик 34,5 фоиз устама даромад ҳисобланади.
3. Сўм пластик карточкасига эга бўлиш учун шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ҳамда банк бошқарувчиси номига ариза билан мурожаат қилсангиз кифоя. Банк маъмурияти сизнинг ушбу аризангизга асосан 15 дақиқа ичида пластик карточкангизни расмийлаштириб беради.
4. Пластик карточкадан фойдаланиш учун сиз ўзингиз танлаган ва пластик карт хотирасига киритилган паролдан фойдаланасиз, натижада пластик карточкангиздан ўзга шахсларнинг фойдаланиш эҳтимоли батамом йўқолади.
5. Республика миқёсида дўконларга ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида нақд пулсиз тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.
6. "Пахта Банк" сўм пластик карточкаси орқали нақд пулсиз коммунал хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишингиз мумкин.
7. Шартнома асосида таълим олаётган талабаларнинг контракт тўловларини пластик карточка орқали нақд пулсиз амалга оширишингиз мумкин.
8. Метрополитендан фойдаланиш мақсадида йўл кира ҳақини пластик карточка орқали тўлашингиз мумкин.
9. Пластик карточкангиз ҳисоб рақамига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни белгиланган тартибда нақд пулсиз ўтказишингиз мумкин.
10. "Пахта Банк" сўм пластик карточкангизнинг ҳисоб рақамига республиканинг исталган бурчагида ҳар қандай банкдан туриб ҳам нақд пул топшириш орқали жамғармангизни кўпайтиришингиз мумкин.
11. Пластик карточкангиздаги маблағларни истаган вақтда бутун республика бўйлаб ўрнатилган банкоматлар орқали нақд пулга айлантиришингиз мумкин.
12. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги 300-қарорига асосан чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари пластик карточкалар орқали амалга оширилган товар айланмаси ҳажмига нисбатан ялпи даромад солиғини 20 фоизга кам тўлайдилар.
13. "Пахта Банк" сўм пластик карточкангизга доир маълумотлар сир сақланишига ва ҳар ойнинг биринчи кунига фоизли даромадингизни қўшиб боришга кафолат беради.
14. "Пахта Банк" сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.
15. Товарларни сотишда ва хизматлар кўрсатишда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бериладиган терминал чеклари, квитанциялар, талонлар, чипталарга ҳамда товарлар ва хизматларга ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларга тенглаштирилади.

«Ўзбекистон менга омад келтирди»

дейди "Тошкент опен — 2004" теннис ўйинлари ғолиби чехиялик Никол Вайдисова

Деярли бир ҳафта мобайнида пойтахтимизда бўлиб ўтган теннис бўйича халқаро аёллар турнири — "Тошкент опен — 2004" ўйинлари ўз поёнига етди. Дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан ташриф буюрган 64 нафар теннисчи турнир ғолиблиги учун кураш олиб боришди. Улар қаторида Марион Бартоли, Марта Марреро, Анка Барна, Ирода Тўлаганова, Зерра Заннети каби таниқли ракетка усталари борлиги эса ушбу баҳсларнинг қизғин ва муросасиз ўтишига омил бўлди.

Маълумки, ҳар қандай мусобақада ғолибликни қўлга киритиш спортчининг тайёргарлиги, тажрибаси ва омадига боғлиқ. Айни шу омилларни ўзида мужассам этгани боис бу сафар финал баҳсларига етиб келиш чехиялик Никола Вадисова ва франциялик Виржиния Раззанога насиб этди.

Икки соат давом этган мазкур финал ўйини турнирнинг энг қизиқарли баҳсига айланди, десак муболаға бўлмас. Жаҳон теннис таснифида 111-ўринни эгаллаб турган Вайдисова жуда кучли ўйин кўрсатди. Франциялик ракетка устаси, қанчалик ҳаракат қилмасин, рақибига бас келолмади. Умумий натижа 5:7, 3:6, 2:6 ҳисобида чехиялик теннисчи фойдасига ҳал бўлди.

Шундай қилиб турнир спортчиларнинг ўз кучларини синаб кўриш учун имконият яратибгина қолмай, 15 ёшли яна бир теннис юлдузини кашф этди.

— Мен турнирда финал баҳсига чиқишимга унчалик ишонмагандим, — деди Н. Вайдисова ўйиндан сўнг. — Лекин беллашувлар давомидаги ҳар бир ютуқ менда ғолибликка бўлган ишончни мустаҳкамлаб борди.

Мусобақалардан сўнг турнирнинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Тошкентдаги мусобақаларнинг жуда қизиқарли ўйинларга бой бўлганлиги таъкидланиб, турнир ташкилотчиларига, ҳомийларига миннатдорчилик билдирилди.

Айтиб ўтиш керакки, ушбу нуфузли мусобақадан жаҳон теннис спорти ишқибозлари ҳам интернет сайтлари орқали танишиб бордилар, қолаверса, ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, пойтахтимизда ўтган баҳслар жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотганини таъкидладилар.

Рустам ЁРЛАҚАБОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Япония жаҳоннинг етакчи иқтисодий, илмий-техникавий салоҳиятга эга мамлакатларидан. Японлар асрлар мобайнида шаклланган ўзига хос анъаналарига садоқати, миллий қадриятларига чуқур ҳурмат ва эҳтироми билан ҳам машҳурдир. Ўзбекистонда шу йилнинг 14 сентябридан 14 октябригача давом этган Япония маданияти кунларининг ранг-баранг ва қизиқарли тадбирларида юртдошларимиз бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

Япония маданияти кунлари муваффақиятли ўтди

Халқларимиз ўртасидаги маданий-маърифий алоқалар илдизи қадим Буюк Ипак йўли ривожланган даврларга бориб тақалади. Бироқ Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги том маънодаги ҳамкорлик мустақиллик йилларида янада юксалиш палласига кирди.

Барча жабҳалардаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1994 йил май ойида Японияга ташрифидан сўнг жадал ривожлана бошлади. Президентимизнинг 2002 йил июлида Токиога амалга оширган навбатдаги ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Юртимизда қарийб ўн йилдан буён мунтазам ўтказиб келинаётган Япония маданиятининг бу галги байрами иккала халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари янада ривожланиб бораётганининг ёрқин далили бўлди. Тадбирлар спорт, маданият, таълим каби йўналишларни кенг қамраб олгани ва нафақат пойтахтимизда, балки Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида ҳам ўтгани билан алоҳида аҳамият касб этди.

Шундай тадбирлардан бири сёриндзи кемпо — япон миллий якка кураш санъатига бағишланган машғулотлардир. У спортчилар жисмоний маҳоратини оширибгина қолмай, балки энг аввало инсонда кучли ирода, қатъият, ўзига бўлган ишончни янада мустаҳкамлаши билан аҳамиятлидир.

Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри ҳамда Ўзбекистон Давлат консерваториясида ўтган япон ва ўзбек созандалари ижросидаги концерт мусиқа ихлосмандларида катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвон саройида Республика Байналмилал маданият маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган Кунчиқар юрт рақс санъати ва либослари тарихига оид адабий-мусиқий анжуман талабалар, ёш раққосалар, санъатшуносларда жиддий қизиқиш уйғотди.

Япон халқи гулларга сайқал беришни санъат даражасига кўтарган, дунёга икебана ижодкори сифатида танилган. Икебана бўйича ўтказилган машғулотларда ҳамюртларимиз бунга яна бир марта гувоҳ бўлдилар.

Япония элчихонаси, Япония жамғармаси ҳамда "Ўзбеккино" Миллий агентлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган япон киноси фестивали қўҳна юртнинг бугунги ҳаёти, қадимий урф-одатлари ва анъаналари билан яқиндан танишиш имконини берди.

Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Юичиро Кусумото Кунчиқар юрт маданияти кунлари сермазмун ва байрамона руҳда ташкил этилгани, бундай тадбирлар ўзаро маданий-маърифий алоқаларни янада ривожланишига хизмат қилажагини таъкидлади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

Биз билган ва билмаган тарих

Юртимизда кино, фотография санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши ўзбек маданияти ҳамда санъатининг йирик намояндаси, биринчи ўзбек кинооператори, биринчи фотографи Худойберган Девонов номи билан боғлиқ. Унинг бундан деярли 100 йил олдин суратга туширган тасмалари, фотосуратлари кўзимиз олдида тарихни жонлантиради. Худойберган Девоновнинг ижоди бугун ҳам санъаткорлар учун тажриба мактаби бўлиб қолмоқда.

Хива шаҳри «Ичонқалъа» музей-қўриқхонаси бош директори Ботир ДАВЛЕТОВ мухбиримизга Х. Девонов ижоди ва ҳаёт йўли ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

ХУДОЙБЕРГАН ДЕВОНОВ

— Худойберган Девонов ҳақида кўпчилик билади, деб айтолмайман. Шунинг учун сўзимни унинг таржимаи ҳолидан бошласам. У 1879 йили Хива хонининг котиби Нурмуҳаммад девон оиласида дунёга келган. Олти-етти ёшидаёқ илм-фанга, санъатга меҳр қўяди. Эски мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ араб, форс тилларини мукаммал ўрганади. Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аҳмад Дониш асарларини севиб мутолаа қилади. Тиришқоқлиги туфайли тез орада рус тилини, ўша пайтда тақдир тақозоси билан Хива яқинидаги «Оқ масжид» қишлоғида яшаган немислардан эса немис тилини ҳам ўрганиб олади.

Янгиликка интилувчан Худойберган шу қишлоқда истиқомат қилувчи немис ҳунарманди Вильгельм Пеннер билан танишиб, унинг ишлари билан қизиқиб қолади. Бу ҳунармандни хиваликлар Панор бува деб чақиришарди. Панор бува Худойберганни ўз уйига бошлаб бориб, унга ғалати бир аппаратни кўрсатади, унинг мўъжизалари ҳақида гапириб беради. Кейин уни ўша «Зот» фотоаппарати қаршисига ўтқазиб, суратга туширади. Худойберган суратга туширишни ўрганиб олгач, унга шу фотоаппаратни совға қилади ва оқ фотиҳа беради. У 1903 йилдан бошлаб мустақил равишда Хиванинг кўкўпар миноораларини, замондошларини суратга тушира бошлайди.

1907 йилда бир гуруҳ хивалик амалдорлар Петербург сафарига отланишади. Улар рус шаҳрида бўладиган тантаналарни фотосуратларда акс эттириш учун сураткаш Худойберганни ҳам сафарга бирга олиб борадилар. Худойберган Девонов Петербургда эндигина пайдо бўлаётган фото, кино санъати билан қизиқиб, икки ой давомида унинг сирларини пухта ўрганади. Бу сафар 29 ёшни қаршилаган хоразмлик йигит учун катта аҳамият касб этади. У Петербургдан Хоразмга Франциянинг «Патэ» киноаппарати, граммафон ва фотоаппаратлар билан қайтади. Ўз юртининг деҳқончилик ишлари, табиат манзаралари ва шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кинолентага тушириб, ҳамшаҳарларига намойиш эта бошлайди. Бу — ўзбек кинематографиясини яратишда биринчи қутлуғ қадам эди.

Хивада таълим-тарбия техникуми иш бошлаган ўша даврда Х. Девонов шу техникум қошида ўз маблағи ҳисобига фото ва кино ҳаваскорлари тўгарагини ташкил этади. Шогирдларини атрофига тўплайди. Суратлар ва киносюжетларнинг халқчил, маънодор бўлишига алоҳида эътибор қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда у яратган киносюжетлар малакали киномутахассислар томонидан муносиб баҳоланмоқда.

Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб кино соҳасига қўл урган санъаткор тасвирга олган лавҳаларда қаҳрамонлар объективни сезгани, нигоҳини, юриш-туришини ўзгартиргани, яъни суньий ҳаракат қилгани билинмайди. Эътиборли томони шундаки, ҳали ўша давр одамлари орасида «Суратга тушиш шайтоннинг иши» деган ақида ҳукмрон шароитда киноаппарат олдида инсонларни эркин ҳаракат қилишга ўргатгани, одатлантира олгани унинг нафақат тажрибали фотограф ва кинооператор, балки билимдон режиссёр ҳам бўлганини тасдиқлайди. Эндигина кино санъати дунёга келаётган, унинг ифода этиш имкониятлари куртак отаётган пайтларда Х. Девонов навқирон санъатнинг ижодий услубларидан самарали фойдалана олганлиги кишини ҳайратлантиради.

Кино устасининг 4 та фотоаппарат ва битта «Патэ» киноаппарати билан яратган 2500 та фотосурати, 500 метрдан ортиқ кинотасмалари XIX асрнинг охири ва XX асрнинг 37-йилларигача бўлган даврнинг барча соҳаларини кўз олдимизда гавдалантиради. Бу тарих лавҳалари авлодларга бебаҳо мулк бўлиб қолди.

Минг афсуслар бўлсинки, шундай фидойи инсон, ноёб санъаткор, тараққийпарвар арбоб собиқ тузумнинг ноҳақликлари, адолатсизлиги қурбони бўлди. 1937 йилнинг 17 августида «Халқ душмани, миллатчи», дея қамоққа олинди. Қатағон қурбонига айланди. Тошкентнинг Зангиота қишлоғида отиб ўлдирилди. Лекин унинг серқирра ҳаёти ва ижоди яшаб қолаверди.

«Халқ сўзи» мухбири
Ойбек РАҲИМОВ
ёзиб олди.

Жаҳоннинг ёш ва номдор полвонлари

қадим Шаҳрисабзда беллашадилар

Юртимизда спортнинг бир қатор турлари ривожланиб бормоқда. Айниқса, бу борада ўзбек курашининг довруғи, полвонларимизнинг қўлга киритаётган ютуқлари таҳсинга сазовор. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, бизнинг заминимиз азалдан кураги ерга тегмаган, ҳалоллик ила беллашиб донг таратган алп паҳлавонлар юртидир. Бугунги кундан то истиқлолга эришган дастлабки йилларга назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек курашчилари кўплаб халқаро майдонларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, ватанимиз шаънини дунёга ёйиб келаётганига гувоҳ бўламиз. Юзлаб полвонлар кашф этилди, этилмоқда. Шу боис ҳам ўлкамизга қизиқиш катта. Шунингдек, Ўзбекистон мана шундай забардаст курашчилар иштирокидаги халқаро мусобақалар майдонига ҳам айланиб бораётир.

Шу йилнинг 28-30 октябрида кўҳна Шаҳрисабзда кураш бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган халқаро турнир ҳамда ёшлар ўртасида Жаҳон чемпионати ўтказилишини ҳам ана шундай юксак баҳслар сирасига киритиш мумкин. Демак, тўрт кун мобайнида юртимизда дунёнинг беш қитъасидан ташриф буюрадиган полвонлар ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Шаҳрисабз чин маънода кураш байрамига шоҳид бўлади.

— Учинчи марта ёшлар ўртасида кечадиган Жаҳон чемпионатида дунёнинг 50 та мамлакатидан 1985, 1986, 1987 йилларда туғилган ёш полвонлар иштирок этиши кутилмоқда, — дейди Кураш Халқаро ассоциацияси бош котиби Умид Ёқубов. — Улар орасида ёш бўлса-да, донгдор полвонлар кўп. Масалан, грециялик Илиадес Илясни олайлик. 19 ёшли бу йигит шу йил Афинада бўлиб ўтган ёзги Олимпиада ўйинларида барча рақибларини доғда қолдириб, олтин медални қўлга киритди. Бундан ташқари, яна бир қанча исм-шарифларни айтишимиз мумкин. Демоқчиманки, Шаҳрисабзда ўтадиган кураш байрами чиндан ҳам қизғин баҳсларга, ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлади.

Айни пайтда ташкилий қўмита ушбу нуфузли беллашувларни ҳар томонлама пухта ўтказиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Хусусан, меҳмонларни кутиб олиш, жой билан таъминлаш, юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштириш ва бошқа бир қатор тадбирлар юзасидан режалар тайёрланмоқда. Уйлаймизки, соҳибқирон юртига ташриф буюрадиган полвонлар қизғин баҳсларда иштирок этиш билан бирга катта таассуротлар билан юртларига қайтадилар.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ

2005 йил манзил рўйхатига киритилиши режалаштирилган қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

танлов савдолари эълон қилади.

1. **Андижон туманининг Хортум қишлоғидаги 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши.**
2. **Булоқбоши тумани марказидаги 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши.**
3. **Избоскан туманининг Луғимбек қишлоғидаги 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши.**
4. **Пахтаобод туманининг Шоврук қишлоғидаги 900 ўқувчи ўрнига мўлжалланган касб-ҳунар коллежи қурилиши.**

Иншоотлар қурилиши тўлиқ қуриб битказилиши (под ключ) шарти билан амалга оширилади. Қурилишни тугаллаш муддати — 12 ой.

5. **Олтинкўл туманининг Оразий қишлоғидаги 315 ўқувчи ўрнига мўлжалланган 37-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш.**

Қурилиш ишларини молиялаштириш давлат марказлашган капитал маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи — Андижон вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси (Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 45-уй. Телефонлар: 25-25-61, 24-33-72).

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: *танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Андижон шаҳри, Б.Ҳакимов кўчаси, 14-а уй. Тел./факс: 24-72-79.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилида ўтказилади.

экономическое ОБОЗРЕНИЕ ЖУРНАЛИ

ОБУНА 2005

Журналнинг "Матбуот тарқатувчи" ОАЖ каталогидаги обуна индекслари:
якка тартибда обуна бўлувчилар учун 957;
корхона ва ташкилотлар учун 958.

"Inter-Press"	тел.: 155-09-55, book@interpress.uz, www.interpress.uz
"ARZI"	тел.: 132-28-16, info@kniga.uz, www.kniga.uz
"BTL-TEZKOR"	тел.: 139-47-37, btltezkor@mail.ru, www.betltez.fromru.com
"Александр Маркет"	тел.: 133-13-04
"Даврий нашрлар"	тел.: 139-17-54
ДП "Калеон Пресс"	тел.: 67-18-94

Журнални тарқатиш ва обуна масалалари бўйича Равшан Таджиходжаев
(e-mail: sales@cer.uz)
Тел.: 67-06-05, 67-05-26, 67-06-41, 67-90-13, 67-71-05, 107-13-31

Албатта обуна бўламан!

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига ! Товар сертификатланган

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОДЛАР ДИЛЕРИ «ИЖМАШАВТО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларига буюртмалар қабул қилади ва сотади.

«ГАЗ-31105»

«ГАЗ-3102»

«ВАЗ-2106»

«ГАЗЕЛЬ»

Мулоқот учун телефонлар:
Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 186-12-94.

М. Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси барча жамоалар номидан Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби

Юлдуз ИСМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси Ўқув ишлари бўйича проректор Ходжаев Баҳодир Асадиллаевичга онаси

Кимёхон ая ХОДЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Сурхондарё ишбилармон аёллар ассоциацияси раиси Марҳабо Ядгаровага отаси

Иннатулла ЯДГАРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тафаккур» журнали жамоаси журналнинг масъул котиби Баҳодир Умаровга онаси

НОРГУЛ аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —1167. 21502 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — И. Турсунова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни —22.00 Топширилди — 22.00 23456